



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Арзиматова Иноятхон Мадимаровна

Фарғона давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди

## АХЛОҚИЙ ВА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

### Аннотация

Мазкур мақолада ахлоқий ва эстетик маданиятнинг таркиби, тузилиши, унинг мураккаб ижтимоий ҳодиса эканлиги, ушбу масаланинг раҳбар кадрлар ахлоқий ва эстетик маданияти муаммоси билан узвий боғлиқлиги, унинг шахс ахлоқий-эстетик камолотидаги аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** жамият, ахлоқий-эстетик маданият, маданият фалсафаси, маънавий-ахлоқий фазилятлар, структуравий элементлар, раҳбар маданияти, миллий турмуш эстетикаси, шахс маънавияти, қадрият.

Бугунги кунда замонавий жамиятлар инсонларда ахлоқий-эстетик маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишга мажбур бўлмоқда. Ахлоқий ва эстетик маданият соҳасида илмий тадқиқотни амалга ошириш унга ёндашишнинг назарий-методологик жиҳатларини белгилаб олишни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган ахлоқий ва эстетик маданиятни таҳлил этишда нафақат умумфалсафий, шу билан бирга, маданият фалсафасида ишлаб чиқилган ва асосланган концепцияларга таянишга тўғри келади. Глобаллашув шароитида ахлоқсизлик ғояларини тарғиб қиладиган, миллий менталитетимиз, комил инсон ғояси руҳига зид воқеалар, шунингдек санъат асарларига мурасиз танқидий муносабатни шакллантириш, миллий турмуш эстетикасини ривожлантириш шахс маънавиятини мазмунан бойитиш ахлоқий-эстетик маданиятсиз амалга ошмаслиги табиийдир. Зеро, шахснинг камол топиши, энг аввало, унда маънавий-ахлоқий



фазилатларни шакллантиришга асосланади. Шундай экан, жамият билан шахс маданияти, уларнинг ўзаро диалектик алоқадорлигини қарор топтириш мустақилликни маънавий мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидандир.

Ахлоқий ва эстетик маданиятнинг таркиби ва структураси масаласи раҳбар кадрлар ахлоқий ва эстетик маданияти муаммоси билан узвий боғланган бўлиб, уни ташкил этувчи унсурлар айти пайтда шахс ахлоқий-эстетик камолотида алоҳидалик тарзида намоён бўлади. Шунинг учун ахлоқий-эстетик маданиятнинг структуравий элементлари ва уларнинг ўзига хослигини илмий-назарий асослаш ҳар бир раҳбар маданиятининг моҳиятини аниқ белгилаб олишни талаб қилади.

Ахлоқий ва эстетик маданият хусусида тўхталишдан олдин маданият ўзи нима, унинг моҳияти ва маъносини англаб етиш лозим. Маданият – (арабча – мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрган) – табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усулидир. Маданият алоҳида индивиднинг ҳаёт фаолияти, ижтимоий гуруҳнинг ёки жамиятнинг ҳаёт фаолияти усулини акс эттиради. Дастлаб маданият тушунчаси инсоннинг табиатга мақсадга мувофиқ таъсири (ерни ишлаш ва ҳ.к.), ҳамда инсоннинг ўзини тарбиялаш ва ўқитиш маъноларини ифодалаган. Кейинчалик маданият тушунчаси орқали цивилизация билан боғлиқ мазмун тушунила бошланди.

Маданият инсон моҳиятли кучларини рўёбга чиқаришнинг ўзига хос шакли ва усули сифатида унинг ижодий имконияти, қобилият ва эҳтиёж-ларини фаолият орқали гавдалантиради ва ривожлантиради, шундай экан, маданият кишиларнинг яратувчанлик фаолиятини фалсафий-методологик жиҳатдан белгилаш учун асос бўлади. “Маданият” тушунчаси ижтимоий та-раққиётнинг муайян босқичида турган халқ ҳаётининг муҳим ва зарурий фазилати, ютуқлари ва ижодкорлигининг мажмуидир [1]. Инсон ижодий фаолиятининг моддийлашган натижаларини ҳисобга олмай туриб, маданий тараққиёт қонуниятларини тасаввур этиб бўлмайди. Табиийки, бу натижалар моддий ва маънавий маданият маҳсулотлари ҳамда инсон фаолиятининг ўзига хос усулларини акс эттиради. Буларнинг барчаси инсон ижодий қобилиятининг ифодаси бўлиб, унинг яратувчанлик имкониятларини рўёбга чиқаришдан бошқа нарса эмас. У инсоний маърифатпарварлик ҳамда билимдонликнинг олий кўриниши, ўтмиш меросга теран, онгли ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, ижодий идрок қобилияти, воқеликни фаолият орқали билиш ва ўзгартириш даражасини англатади. Инсоннинг индивидуаллиги айти маданий даражада ўзининг тўлақонлигини намоён этади.

Илмий адабиётларда маданиятнинг турли шакллари, уларнинг ранг-баранг компонентларини тавсифлашда кўпинча қадрият тушунчасига му-рожаат этадилар. Табиийки, бу компонентларнинг ижтимоий мавжудлиги ҳамда амал қилиш хусусиятларини ўрганиш маданиятнинг моҳияти, унинг жамият ва инсон ҳаётига таъсир этиш қонуниятларини очишга ёрдам беради.

Маданий қадриятлар кишиларнинг табиатга таъсир кўрсатиши, руҳий дунёси ва бир-бирларига ўзаро муносабатларини ўзгартириш натижасида яратилади. Ижтимоий ҳодиса, амалий кўникма, фан-техника ютуқлари, санъат асарлари инсоннинг моҳиятли кучлари ва қобилиятлари ифодасигина эмас, шу билан бирга, уни камол топтирувчи омил сифатида ҳам маданий қадрият саналади. Шунга биноан жамият маданияти, бир томондан, маданий бойликлар, қадриятларни яратиш, тақсимлаш



тажрибасининг мажмуи, бошқа томондан, уларни тарқатиш ва ўзлаштириш жараёни ҳамдир.

Ҳар қандай қарама-қаршиликни фалсафий жиҳатдан бартараф этиш янги сифат юзага келишига олиб келади. Маданиятнинг функционал амал қилишида тегишли зиддиятларни ҳал этишнинг асосий йўли бу - кишиларни нафақат ижтимоий фаолиятнинг, шу билан бирга, ижтимоий муносабат-ларнинг субъекти сифатида ҳам маданий жиҳатдан юксалишини тақозо қи-лади. Бунда ижтимоий ва маданий жараённинг ўзаро таъсиридашакланган маданият субъектлари неъматларни ўзлаштиришда ўзларининг ижодкорлик қобилиятини намоён этишдан иборатдир. Рассом Рўзи Чориев таъ-кидлаганидек, “ижод машаққатлари бир куни албатта ўзининг самарасини беради. Рассомнинг яратган ҳақиқий асари ижодкорнинг қалбини чексиз қу-вончларга тўлдиради. Ўшанда уни қониқиш чулғаб олади. Бу ҳолат ижод-корга ҳузур бағишлайди” [2]. Маданиятнинг муайян даражасига эришган кишилар уни шунчаки ўзлаштирувчилар эмас, шу билан бирга, маданиятни жонли гавдалантирувчи, ижтимоий-маънавий тараққиётни таъминловчи, бадиий ижоднинг юксак намуналарини яратувчилар ҳамдир. Академик С.Шермухамедовнинг ёзишича, инсон юксак бадиий-эстетик фаолият кўрсатиш натижасида бекиёс гўзалликларни, шунингдек, адабиёт ва санъат асарларини вужудга келтиради. “Оламни бадиий-эстетик идрок этишнинг турли шакллари, кўринишлари ижодкорнинг, жамият ёки даврнинг ижобий ёки салбий идеалини акс эттириш услубларига, унинг ният, мақсадларига боғлиқдир. Адабиёт ва санъатнинг, бутун бадиий маданиятнинг ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ижодкор идеали асар мазмунида қанчалик умуминсоний кўламларда, қанчалик ёрқин индивидуаллашган - жонли, бетакрор образларда гавдаланган бўлса, инсонпарварлик руҳи қанчалик теран бўлса, бадиий-эстетик, ахлоқий-маънавий жиҳатдан юксак бўлса, жаҳон маданияти хазинасига шунчалик улкан ҳисса бўлиб қўшилади” [3].

Ахлоқий маданиятли шахс ўз халқи тарихи, маънавий мероси ва бугунги ижтимоий тараққиётига бефарқ бўлмайди, ўз ҳаёти ва фаолиятини Ватан тараққиёти ва истиқболи билан чамбарчас боғлайди, ўзини миллат, мамлакат ва ижтимоий-тарихий ҳаётдан четда тасаввур этмайди. Ахлоқий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларида бири унинг замонавийлиги, яъни ҳар бир даврда эришилган ютуқларнинг шахс ахлоқий ҳаётида намоён бўлиши билан белгиланади. Шунингдек, асрлар оша сайқал топиб келаётган ахлоқий кадриятлар ҳам ахлоқий маданиятнинг асосини ташкил этади.

Ахлоқий маданият юқорида таъкидлаб ўтилганидек эстетик маданият билан чамбарчас боғлиқдир. Эстетик маданият мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида жамият миқёсида табиатни эстетик ўзлаштириш жараёнлари ва натижалари, меҳнат фаолияти, турмуш, ижтимоий муносабатларнинг эстетик жиҳатлари; синф ва ижтимоий қатламларнинг эстетик қарашлари, дид ва манфаатларининг муайян ҳолати; эстетик тарбия назарияси ва амалиёти, кишилар ижтимоий-эстетик фаоллигининг ранг-баранг намоён бўлишини англатади. Бугунга қадар илмий адабиётларда эстетик маданият тушунчасига турлича таърифлар берилади. Жумладан, «Эстетик маданият - эстетик кадриятлар, уларни яратиш ва истеъмол қилиш усулларининг мажмуи» [4]. Ушбу таърифда эстетик маданият кадриятлар доирасида олинган бўлиб унинг ахлоқий маданият билан алоқадорлигини кўрсатади. Шунингдек, «Эстетик маданият - бу инсон эҳтиёжларининг мураккаб тизими бўлиб,



унда одамзод ҳиссиётлари, малакалари, кўникмалари, билимлари, меъёрлари, маслақлари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлиги» [5] билан ҳам изоҳланади. Бунда эстетик маданиятнинг кўпроқ инсоннинг эҳтиёжларига боғлиқ эканлиги назарда тутилади. Умуман олганда, эстетик маданият эстетик онг ва унинг заминида турувчи амалиётнинг ўзига хос ифодаси сифатида кишиларнинг реал ижтимоий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. У ранг-баранг фаолият ҳамда эстетик муносабатлар тизими сифатида бадиий ижоднинг профессионал ҳамда ҳаваскорлик турлари, мода, дизайн, оммавий коммуникация воситалари, эстетик идрок маданиятининг шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни ҳам қамраб олади.

Эстетик маданият мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида жамият миқёсида табиатни эстетик ўзлаштириш жараёнлари ва натижалари, меҳнат фаолияти, турмуш, ижтимоий муносабатларнинг эстетик ҳолатлари; синф ва ижтимоий қатламларнинг эстетик қарашлари, дид ва манфаатларининг муайян ҳолати; эстетик тарбия назарияси ва амалиёти, кишилар ижтимоий-эстетик фаоллигининг ранг-баранг намоён бўлишини англатади.

Эстетик маданият ижтимоий эстетик онг ва унинг заминида турувчи амалиётнинг ўзига хос ифодаси сифатида кишиларнинг ижтимоий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. У ранг-баранг фаолият ҳамда эстетик муносабатлар тизими сифатида бадиий ижоднинг профессионал ҳамда ҳаваскорлик турлари, мода, оммавий коммуникация воситалари, эстетик идрок маданиятининг шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни қам-раб олади. Бу ерда жамият учун аксиологик маънода тушунарли ҳамда фой-даланиладиган эстетик кадриятлар назарда тутилади.

Шундай қилиб, эстетик маданият фалсафий билиш объекти сифатида муайян кадриятлар йиғиндиси, уларни амалий жиҳатдан яратиш ҳамда тар-қатиш жараёнидан иборатдир. Яхлит тизимни ташкил этувчи бу қисмлар ўртасидаги алоқадорлик эстетик маданиятни алоҳида ҳамда нисбий мустақил тузилма сифатида қараб чиқишга имкон беради.

Ахлоқий ва эстетик маданият тўғрисида сўз борганда унинг ижтимоий ва индивидуал даражаларини фарқлаш лозим. Жамиятнинг ахлоқий-эстетик маданияти унинг олам билан ўзаро алоқадорлиги, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизимини такомиллаштириш натижасида яратилган ахлоқий-эстетик кадриятлар жамулжамидир. Шахснинг ахлоқий-эстетик маданияти эса унинг гўзаллик ва эзгулик қонунлари асосида табиат, ижтимоий ҳаёт ҳамда ўзининг моҳиятли кучларини ҳар томонлама ифода этадиган ҳис-туйғу, идрок ва қайта яратувчанлик қобилиятлари мажмуидир.

Эстетик маданият нарса-ҳодисалар субъективлигини моддийлаштиради ва шу жиҳати билан табиат предметларидан ажралиб туради. Маданий кадриятлар тарихида фаолият усулларига мос келувчи маҳсулотлар, замонавийлик ёки анъанавийликни ифодаловчи умумэстетик ва бадиий бой-ликлар кундалик ҳаёт борлигини ташкил этади ва меъёрий хусусият касб эта-ди. Меъёр, анъана ва малакалар кўринишидаги бу кадриятларни ўзлашти-риш гносеологик, кишиларнинг ўзаро коммуникатив, эстетик (бадиий ҳавас-корлик ва профессионал фаолият) ижодкорлик фаолиятлари жараёнида амал-га оширилади.

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:



- ахлоқий-эстетик маданият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, уни таҳлил этиш нафақат умумфалсафий, шу билан бирга, маданият фалсафаси концепциясига ҳам асосланади.
- маданиятни тадқиқ этишда фалсафий, социологик, психологик изла-нишлар олиб бориш, бадиий ижод психологияси ва бадиий идрок, шахс ма-даний эҳтиёжларини шакллантириш ва тарбиялаш муаммоларини таҳлил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим.
- ахлоқий-эстетик маданият мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида табиатни ахлоқий-эстетик ўзлаштириш жараёнлари ва натижалари, меҳнат, турмуш, ижтимоий муносабатларнинг эстетик жиҳатдан ифодасидир;
- жамиятда синф ва ижтимоий қатламларнинг эстетик қараш, дид ва манфаатларининг муайян ҳолатидир;
- ахлоқий-эстетик тарбия назарияси ва амалиёти, кишилар ижтимоий-эстетик фаоллигининг ранг-баранг намоён бўлишидир.
- ахлоқий-эстетик маданият нарса-ҳодисаларнинг инсонийлик моҳияти, шакл мукамаллиги, шунингдек, тартиб, моддий-амалий мақсад-манфаатларга беғараз, холис муносабат меъёрларини акс эттирувчи юксак инсоний ҳиссиётларни ўз ичига олади.
- ахлоқий-эстетик маданият инсоннинг ҳиссий ва интеллектуал қобилиятлари, унинг мукамал ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлари ва, ниҳоят, нафақат табиий зарурият, балки гўзаллик қонунлари асосида яратилган реал нарса-ҳодисалар ҳамда ҳулқ-атвор шаклларида ташкил топган мураккаб тузилмадир.
- жамият маданий муҳитини барқарорлаштириш учун бадиий-эстетик муҳитни юзага келтириш ва ривожлантиришда нафақат ижтимоий ҳаётнинг яхлитлиги, шу билан бирга, ҳар бир инсоннинг эстетик қобилиятларини шакллантириш, унинг жамият эстетик қадриятларини кўпайтиришдаги фаоллигини таъминлаш муҳим ижтимоий вазифа саналади.

#### Адабиётлар:

1. Философский энциклопедический словарь. –Москва.:ИНФРА-М., 1999. - С.229.
2. Рўзиев Ч. Изингиздан бормоқдаман, устозлар //Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 2008. - № 12. - Б.160.
3. Шермухамедов С.Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт.-Тошкент: Фан, 2005. - Б.42-43.
4. Фалсафа. Қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. –Б.466.
5. Umarov E., Karimov R., Mirsaidova M., Ouxo'jayeva G. Estetika asoslari. –Toshkent: Cho'lpon, 2006 -B.143.
6. Arzimatova, I. (2021). Innovative Activity Of Pedagogy. Current Research Journal Of Pedagogics, 2(06), 122-126.
7. Алоуддин Мансур Таржимаси, Т.: 1992, Абдуллазиз Мансур Таржимаси, Т.: 2001
8. Arzimatova, I. M. (2021). The Role Of The Family Environment In Personal Education. International Journal Of Culture And Modernity, 10, 13-17.



9. Arzimatova, I. M., & Muminov, J. (2021). Information Of The Educational Process And Education Of A Developed Generation. *The American Journal Of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(04), 36-41.
10. Arzimatova, I. (2019). Art Industry Development Of Society And Society Culture. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 1(1), 129-134.
11. Arzimatova, I. M. (2020). Spiritual Culture Of Personality And Artistic And Aesthetic Changes. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 2(11), 160-165.
12. Normatova, D. E. (2019). Peculiarities Of Anthropocentrism And Humanism Of The Socio-Philosophical Thought Of Western Europe In The Era Of Renaissance. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 1(5), 168-173.
13. Arzimatova, I. A. Aesthetical Essence Of Labor In Personal Development.
14. Arzimatova, I., & Tursunov, B. (2021). The Role Social Factors In The Spiritual Development Personality. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 2(2), 163-170.
15. Normatova, D. E. (2019). The Social And Moral Views Of Michelle Eckem De Monten. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 1(10), 184-187.
16. Normatova, D. E. (2021). Attitudes Towards Moral Heritage In The History Of Central Asia. *Oriental Journal Of Social Sciences*, 11-16.
17. Arzimatova, I. (2019). Aesthetic Education, Its Features And Structure. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 1(6), 219-222.
18. Normatova, D. E. (2021). Attitudes Towards Moral Heritage In The History Of Central Asia. *Oriental Journal Of Social Sciences*, 11-16.
19. Arzimatova, I. M. (2022). Relationship Of Aesthetic Culture And Spirituality Of Personality. *The American Journal Of Applied Sciences*, 3(02), 100-104.
20. Normatova, D. (2022). Methods, Factors And Directions Of Moral Education. *International Journal Of Culture And Modernity*, 14, 86-91.
21. Normatova, D. (2021). Issues Of Man And Humanism In Renaissance Literature And Art In Europe. *Academica: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1865-1871.
22. Arzimatova, I. M. (2021). Women's Rights In Government Of A Democratic Society. *Eurasian Scientific Herald*, 2, 23-27.
23. Arzimatova, I. (2022). The Main Aspects Of The Moral And Aesthetic Culture Of The Leading Cadres In The New Stage Of Development Of Society. *Oriental Journal Of Social Sciences*, 2(1), 63-72.